

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 249 (10.052)

2003 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **ФАН** ва технологиялар марказида олий ўқув юртарининг Президент стипендиясига сазовор бўлган беш нафар талабаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 52-ёрдамчи мактабда ўтказилган Янги йил байрам тадбири «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг ташаббуси билан уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида маҳаллалараро уюштирилган «Сув — келажак учун» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **КИРИБ** келаётган Янги йил арафасида шахримизда жойлашган «Турон» санаторийида реабилитация бўлими фаолият бошлади.

● **«ЗАРАФШОН»** концерт залида «Ёшлар» телеканалининг «Гап йўқ» ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган «Аразласанг ўламан» деб номланган бадиий фильмининг тақдироти бўлиб ўтди. Фильмга «Гап йўқ» ижодий гуруҳининг раҳбари Тўхтамурод Маҳкамов режиссёрлик қилган.

Тошкент шаҳар хокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.

Янги йил тадбирлари

КЎРКАМ АРЧА АТРОФИДА

Янги йил арафасида нафақат жажжи болажонлар, балки катталарнинг ҳам қалбига бир олам қувонч бахш этиб, кўзларни қувнатувчи кўркам ва жозибали арча атрофида бўлиш нақадар мароқли.

Бу йил ҳам ҳар йилгидек энг шодидена, сеvimли Янги йил байрамини яхши кутиб олиш учун Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси катта хозирлик кўрди. Жумладан бошқарма томонидан шахримизнинг қоқ марказида жойлашган Мустақиллик майдонидида турфа хил ранго-ранг ўйинчоқлар билан безатилган катта арча атрофида байрам томошалари ташкил этилмоқда.

— Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунлари — 27 декабрдан то 10 январга қадар ушбу катта арча атрофида болажонларимизга шахримиздаги мавжуд 100 дан ортиқ маданият уйлариининг бадиий жамоалари ва мусиқа мактаблари ўқувчилари ҳамда сеvimли хонандалар ўзларининг диграбо куй-қўшиқлари, жозибали рақслари билан хизматда бўладилар, — дейди Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдурасул Абдуганиев. — Майдонда ҳар кунги болажонлар учун 4 маҳал эртак қаҳрамонлари иштирокида байрам томошалари намойиш этилади. Бундан ташқари шахримиздаги 10 та маданият ва иштироҳат боғларидан келтирилган турли хил аттракционлар ўрна-тилиб, Атракционлар шаҳарчаси ташкил этилади. Тошкент шаҳар савдо департаменти томонидан ташкил қилинган турли хил ширинликлар, ўйинчоқлару ажойиб совгалар билан савдо қилувчи дўкончалар болажонларга хизмат кўрсатади.

Бугун ва эртага «Туркистон» саройида Президент арчаси атрофида бўлиб ўтадиган бу йилги қизиқарли байрам томошалари жажжи кичкинтойларга бир олам қувонч

айланган.

«Туркистон» саройида бўлиб ўтадиган ушбу тантана ўз мазмун-моҳиятига кўра меҳр-муруват, савҳат ифодаси бўлади. Байрамона безатилган ушбу файзли қошонага шу кунги пойтахтимиздаги барча меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари таширф буорадилар. Байрам Қорбобо, Қорқиз ва турли эртак қаҳрамонлари иштирокида бўлиб ўтади. Шунингдек томошаларда санъат усталари, эстрада юлдузлари, мусиқа, цирк ва эстрада коллежи, хореография билим даргоҳи талабалари ҳам қатнашадилар. Болажонлар «Мен! Сен! Биз! Дунё кезамиз!» мавзудаги театрлашган байрам томошасида сайёрамизнинг турли қитъаларига саёҳат қиладилар. Шодиёна танталар давомида кичкинтойларга давлатимиз раҳбари номидан янги йил совгалари улашилади.

Янги йил арча байрамлари шунингдек шахримиздаги барча туманлар марказларида, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда ташкил этилиб болаларга ҳомийлар томонидан совгалар топширилади. 30-31 декабрь кунлари тарбияланувчилар учун байрам дастурхони ёзилади. 300 дан ортиқ ногирон болаларнинг уйларига Бориб байрам совгалари улашилади. Булардан ташқари шахримизнинг 36 та жойида, яъни театрлар, санъат, маданият саройларида ҳам Янги йил байрам томошалари болажонларимиз дилларини хушнуд этади.

Дилором ИКРОМОВА



бахш этади.

Пойтахтимизда ҳар йили янги йил арафасида арча байрами ўтказиш меҳрибонлик уйлариининг тарбияланувчиларига Президент совгалари улашиш яхши анъанага

Ўзбекистон Фанлар академиясида мунтазам фаолият юритувчи республика илмий-амалий семинарининг «Ижтимоий фикри ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Семинар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, «Оила» илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ташкил этилди. У Президент Ислом Каримовнинг иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган асосий вазифа ва қондаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастурини бажариш доирасида ўтказилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ - ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Бу галги мажлисда этнограф-олимлар, иқтисодчилар, жамиятшунослар, аҳолишунослик, ижтимоий сиёсат соҳасидаги жараёнларни ўрганиш билан шуғулланувчи мутахассислар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева республика ми аз аҳолисининг ижтимоий аҳволи мониторингинг тўғрисида маъруза қилди. Таъкидландики, кейинги вақтда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўрвалар натижалари мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнларнинг барқарорлиги ва шахсининг жамиятда тутган ўрни ортиб бораётганидан далолат бермоқда. Бу борада олинган маълумотлар фуқароларнинг моддий фаровонлиги ошиши, боқимандалик кайфиятининг камайиши, аҳолининг иқтисодий ишбилармонлиги ўсиши каби қатор ижобий омиллар пайдо бўлганини тасдиқлади.

Мажлисда жамоатчилик фикри фуқароларимизнинг келажакка ишонч билан қарашини исботлаши қайд этилди. Сўрваларда иштирок этганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ўз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишига ва ривожланган ҳамда фаровон мамлакатга айланишига ишончи қомил. Сўрвда иштирок этганларнинг фикрича, давлатимиз келажакнинг асосий қафолати Президентимизнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маънавий янгилашга йўналтирилган сиёсати ҳисобланади. Халқимизнинг мустақилликка эришган ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга интилиши ҳам бу борада муҳим омил саналади.

Мажлис қатнашчилари мамлакатимизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш механизмини янада такомиллаштиришга доир тавсияномалар ишлаб чикди.

А. ИВАНОВА
ЎЗА мухбири.

XXI сағоси

Барча хабарлардан олжиган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг ййгилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

● Республика Ўрта махсус касб-хунар таълим марказининг ташаббуси билан ушбу тизим бўйича «Энг иқтидорли ўқувчи» кўриктанловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон банклари ассоциациясида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик танловининг якуний босқичи ўтказилди.

● Тошкентда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Инвестиция институтлари миллий ассоциацияси ташкилотчилигида 2003 йил якунлари бўйича Ўзбекистон фонд бозорининг энг яхши профессионал қатнашчиларига турли йўналишлар бўйича мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Ҳуқуқ-тартибот органлари, жумладан Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан гивандлик моддаларининг гайриқонуний айланишига қарши кураш тадбирлари давомида мусодара этилган қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб қирлган гивандлик моддаларининг навбатдаги туркуми йўқ қилинди.


Жаҳонда

● Яна бир ҳафтадан сўнг Грузияда Президент сайловлари бўлиб ўтади.

● Шимолий Кореянинг ядро дастури билан боғлиқ олти томонлама — АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари иштирокидаги музокаралар келгуси йил 7—22 январь оралигида Пекинда бўлиб ўтади.

● Эроннинг 100 мингга яқин киши истикомат қилаётган қадимий Бам шаҳрида Рихтер шкаласи бўйича 7 ва 5,5 баллик иккита кучли zilзила рўй бериши натижасида шаҳардаги даярли 90 фоизга яқин иншоотлар бутунлай вайрон бўлди. Тахминан кўра халқок бўлганлар сонин 20 миңдан ортиқ. Айни пайтда фожеа оқибатларини тугатиш учун тезкор марказ тузилиб, жабранланганларга ёрдам кўрсатилмоқда.

● АҚШ миллий хавфсизлик департаменти мамлакатнинг 30 та йирки шаҳрида биологик зарарли моддалар бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида ҳавонинг суткалик мониторингини бошлади. Бундай чора АҚШда террорчилик хавфи кучайиши муносабати билан таъбиқ этилмоқда.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Украинанинг қонун чиқарувчи органи — Рада айни кунларда икки қарама-қарши қутбга бўлинган. Томонлар мамлакатда конституцион ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилиш ҳусусида ўзаро келишувга эришолмаётдилар. Мазкур лойиҳа Украинанинг бугунги сиёсатидан тамомил янги йироқ бўлиб, келажакда давлатнинг парламент республика шаклига ўтишини белгилайди. Шунингдек депутатларнинг ваколат муддати ҳам беш йилга узайтирилади. Унга кўра давлат раҳбари халқ томонидан эмас, Рада депутатлари тарафидан сайланади. Бу эса кўпчиликнинг озчилик устидан галабасини таъминлашни муқаррар.

● Туркия ва Миср Яқин Шарқ мамлакатларини минтақада оммавий қиргин қуролларини тарқатмасликка чақирди. Башар Ал-Асад ва Ҳусни Муборак Шарм-эш-Шайх шаҳридаги учрашувидан сўнг шундай баёнот билан чиқиди.

● Зимбабведа ҳукуматта асосий муҳофизатда бўлган демократик ўзгаришлар учун ҳаракат партияси мамлакатда президентлик сайлови қайтадан ўтказилишини талаб қилмоқда. Харарада бўлиб ўтган партиянинг икки кунлик йиғилишидан сўнг шундай қарорга келинган. Улар амалдаги президент Роберт Мугабенининг 2002 йилда ўтказилган сайловдаги галабасини ноқонуний деб ҳисобламоқдалар.

● Германияда ҳаво ҳарорати 40 даражагача пасайиб кетди. Маҳаллий метеорология марказининг маълумотига қараганда, қишнинг бу даражада совуқ келиши мамлакат тарихида илгари ҳеч кузатилмаган.

● Испания полицияси Мадридда келаётган йўловчи поездга португал мода жойлаштириб кетилганини пайқаб қолди ва натижада рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеанинг олди олинди. Испания расмийлари мазкур ҳаракатда ЭТО айирмачиларининг қўли борлигини айтди.

● Жаҳон Метеорология ташкилоти маълумотига қараганда 2003 йилда сўнги 142 йилдаги нисбатан энг иссиқ ҳарорат кузатилди. Шу йилнинг ёзида кўпгина мамлакатларда ҳаво ҳарорати энг юқори даражага чиқди.

● Калифорнияда юз берган 6,5 баллик зилзила оқибатида икки киши қурбон бўлган, 50 дан ортққ киши жароҳат олган. Ҳозир кутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Ер ости силкиниши Калифорния қирғоғи бўйлаб юз берган, яъни Сан-Франциско шаҳридан Лос-Анжелесгача. Сейсмологларнинг фикрича, зилзила эпицентри океан қирғоғидан бир неча километр наридаги Сан-Симеон шаҳрида қайд этилган. Зилзила 30 сониягача давом этган. Шу вақт оралиғида у қанча-қанча виброналар келтирди. Эски иморатлар ер билан яқсон бўлди.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 2 декабрдаги «Қишки таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг дам олиши-ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ва ҳамшаҳарларимизга 2004 — Янги йил арафасида байрам савдосини ташкил этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Шу кунга қадар шаҳар аҳолисини дилларда байрам кайфиятини янада оширувчи, бола-жонларга қувонч улашувчи арчалар билан таъминлашда «Совпластитал» кўшма корхонаси фаоллик кўрсатди. Жамоа аҳли томонидан тайёрланган турли кўри-ниш ва ҳажмдаги сунбый арчалар, унинг ўйинчоқлари савдоси корхонанинг фирма дўконлари ва шаҳримиз бозорларида ташкил этилди. Ушбу маҳсулотларни танлашда, харид қилишда ташриф буюрувчиларга савдо ходимлари яқиндан ёрдам бериб, намуналик хизмат кўрсатишмоқда.

Байрамнинг бош маскани — Мустақиллик майдонида 25 декабрдан бошлаб байрамона жиҳозланган 26 та савдо шохобчаси иш олиб бормоқда. 2004 йилнинг 10 январига қадар бу ерда «Янги йил бозорида» байрам савдоси ташкил этилиб, болалар учун байрам совғалари, ширинлик ва пишириқлар, турли хил ўйинчоқлар, салқин ичимлик ва музқаймоқлар билан хизмат кўрсатилади. Ушбу байрам савдосига 8 та озиқ-овқат савдо корхонаси, 6 та умумий овқатланиш корхонаси, 6 та саноат моллари савдо корхонаси ва 20 га яқин хусусий талбиркорлар жалб этилган бўлиб, ушбу жамоаларнинг тажрибали ва

малакали ходимлари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини хушнуд этилади.

часи Янги йил услубида безатилган. Бу, албатта, харидорларнинг кайфиятини янада кўтарди.

Шаҳримиздаги туманларда айни кунларда аҳоли гавжум жойларда вилеялардан келтирилган арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилган. Янги йил байрами кунлари эса шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режа асосида санъат саройлари, маданият уйларида ташкил этилган шодиёналарда совғалар савдоси уюштирилади.

Шаҳримизнинг муҳташам «Туркистон» саройида ташкил этиладиган «Президент арчаси» байрамида меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар ва кам таъминланган оила фарзандларига бепул нонушта ва пазандалик маҳсулотларини тарқатиш «Наврўз» ресторани томонидан ташкил этилади.

Байрам тантаналари арафасида ва шодиёна кунлари савдо корхоналари, бозорлар жамоалари хайрия талбирлари ўтказилади. Бозор акциядорлик жамиятлари томонидан шаҳримиздаги 6-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам дастурхони, совға-саломлар, моддий ёрдам ташкил этилади. Бу, албатта, кириб келаётган, Президентимиз Меҳмуровват йили деб эълон қилган 2004 йилда уларга яхши кайфият, қалбларида шодлик бағишлаши шубҳасиз. Ҳамшаҳарларимиз дастурхони тўкинишига, кайфиятлари кўтаринки бўлишига ўз хизматимиз билан ҳисса қўша олсак, беҳал бахтиёримиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
ёзиб олди.

Савдо

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Кириб келаётган Янги йил дастурхонининг тўкин ва ранг-баранг бўлиши, албатта савдо ва хизмат кўрсатиш ходимларининг сая-ҳаракатлари ҳам боғлиқ. Янги йил байрами кунларида ҳамшаҳарларимизга қандай савдо хизмати кўрсатилади? Ушбу саволимизга Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи ўринбосари Рауф ҲАКИМОВдан куйидаги жавобни олдик:

Шунингдек, байрамолди ва байрам кунларида туманлардаги майдон ва шохобчаларда савдо расталари ташкил этилади. Байрам кунларида харидорларга қулайлик яратиш мақсадида йирик озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда иш вақтини соат 22-00 гача узайтиради. Умумий овқатланиш корхоналари эса байрам талбирларини ўтказиш бўйича корхона ва ташкилотларга буюртмалар асосида хизматни ташкиллаштириши режаланган.

Ҳозирда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва шохобчаларнинг бар-

Хусусийлаштириш

ЗАМОНАВИЙ АНЖОМЛАР ЁРДАМИДА

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ҳам режали ислохотлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик шарофати билан маиший хизмат шохобчалари хусусийлаштирилиб, уларда аҳолига намуналик хизмат кўрсатилмоқда ҳамда бу соҳада сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Янги, замонавий технологиялар ёрдамида хамюртларимизнинг рўзгор юмушлари енгиллашиб, уларга талайгина қулайликлар яратилмоқда.

га қатъий амал қилинади ва асосийси, сифатга пугур етказмаган ҳолда буюртмалар бажарилади.

Маиший хизмат уйида жумладан, аҳолига сифатли кир ювиш хизмати ҳам тавсия этилади. Шу мақсадларда шохобчада замонавий LG машиналари ўрнатилган. Кирлар ҳам ювилиб дазмолланади. Ҳозирча дазмоллаш иши қўлда бажарилади. Лекин келаси йил бошида корхонага хорижий дазмоллаш дастгоҳи келтирилиши режаланган. Жорий йилда корхона ишчилари аҳолига 2 миллион сўмликка яқин хизмат кўрсатишга эришдилар. Эътиборли томони, шохобчада хизматлар учун ҳақ тўлаш нисбатан арзон ҳисобланади.

Буюртмачилар талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, корхонада янги хорижий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилиши режалаштирилган. Шундан кейин хизматлар тури кўпайиб, сифати янада ошади ва мижозлар сафи ортади.

Муваббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: «Қодирхўжаева» экологик тоза кимёвий тозалаш хусусий корхонаси ишчиси буюртмани бажариш жараёнида. Алексей Попов олган сурат.



Чилонзор туманидаги 5-даҳада жойлашган «Қодирхўжаева» хусусий экологик тоза кимёвий тозалаш шохобчаси ўтган йилдан бошлаб ўз хизматларини аҳолига тавсия этаётган. Бу ерда кўрсатилаётган сифатли, тезкор хизмат, ходимларнинг хушмуомалалиги мижозларни мамнун қилмоқда.

Айниқса, маиший хизмат уйидаги Италиянинг «BENZACCI» машҳур фирмаси маҳсулоти бўлган замонавий технология линиялар 6 хил турдаги операцияларни малакали бажаради. Мазкур линия орқали қисқа фурсатларда кийим-кечакларга аёло даражада кимёвий ишлов берилади, мавжуд доғлар алоҳида тозаланади. Шунингдек, кийимлар буғланади, сўнгра дазмолланади. Бундан ташқари улар тахланиб, яп-янгидай пакетларга жойлаб, буюртмачига қайтарилари.

— Шохобчамизда барча буюртмалар 24 соат мобайнида сифатли бажарилади, — дейди корхона раҳбари Шуҳрат Қодирхўжаев. — Лекин мижозларнинг ҳожди-истагини инобатга олиб, бу ишларни 12 ёки 6 соатда ҳам амалга оширишимиз мумкин. Ҳамма ҳолатларда ҳам белгиланган муддатлар-

БОҚИЙ ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

Пойтахтдаги «Радиссан САС» меҳмонхонасида республикада кўзга кўринган косметологлардан бири Нигора Муҳамедованинг «Боқий гўзаллик сирлари» китобининг тақдироти бўлди.

Нигора Муҳамедова йигирма йилдан буён ҳузурига гўзаллик истаб келган аёлларга хизмат қилиб келмоқда. Китобда берилган тавсияларни кундалик ҳаётда истеъмол қиладиган сабзавот ва мевалардан тайёрлаш мумкин.

— Китобни косметолог маслаҳатини олишга имкони бўлмаган аёлларга ёрдам бериш мақсадида чоп эттирдим, — деди муаллиф. — Насиб этса, китобнинг давомини ҳам тайёрлаш ниятидаман.

УЧРАШУВ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида пойтахтдаги Юнус Ражабий номли педагогика коллежининг мусиқа бўлими талабалари билан учрашув ўтказилди.

Ҳозирда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг хор бўлимида юздан ортққ талабалар мазкур санъатнинг сир-асрорлари ҳамда уни ижро этиш маҳоратини ўрганиб келишмоқда. Мазкур учрашувда ҳам хор санъатининг бугунги муаммолари ва келгусидаги истиқболлари ҳусусида сўз борди.

Тадбирда коллежининг мусиқа бўлими ўқувчилари хор ижрочилиги борасидаги ўз маҳоратларини намойиш этишди.

«Туркистон-пресс»

Саҳна

БАЛЕТ ҚАЙТА
САҲНА ЮЗИНИ
КЎРАДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри ўзининг янги ижодий мавсумида бир неча спектакллари мухлисларга тақдим этади. Атоқли бастакор Сулаймон Юдаковнинг «Насриддиннинг ёшлиги» номли балети ҳам қайта саҳна юзини кўради.

Мазкур қувноқ асар бундан бир неча йил аввал театрда кўйилган эди. Вақт ўтиши билан ушбу постановкани қайта саҳналаштириш учун эҳтиёж сезилди. Томошабинларни хушнуд этиш ниятида асар янги йилда театр репертуаридан ўрин оладиган бўлди.

Бу ижодий жараёнга «Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон» қўшма корхонаси ҳам ўз хиссасини қўшиш истагини билдирди. Корхонанинг молиявий кўмагида саҳналаштириладиган бу спектакль янги режиссурада талкин этилади.

«Композитор Сулаймон Юдаков замондошлари хотирасида» деб номланган тўпламнинг юзага келишида ҳам корхона ўз ёрдамини аямда.

ЁШ МУСАВВИР
МУНОСИБ
ТАҚДИРЛАНДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасида мукофотларни топшириш маросими бўлди. Улар ёш rassом Алиса Усқенбоева учун берилган медаль ва Фахрий ёрликлар эди.

Гап шундаки, Тошкентдаги «Камалак» болалар тасвирий санъат студиясининг иқтидорли rassоми Алиса Усқенбоева шу йилнинг кузида Америкада ўтказилган халқаро санъат фестивалига ўзининг янги чизган картиналарини тақдим этган эди. «Мен аср фарзандиман» деб номланган картинаси учун эса халқаро танловнинг махсус медали ва фахрий дипломи билан тақдирланди.

Ғолиблик мукофотларини қабул қилиб олган умидли rassом келгусида янги-янги асарлар яратиб, навбатдаги халқаро кўргазмаларда қатнашиш учун ҳаракат қилаётганини устозлари олида маълум қилди.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистонлик зиёлилар — Австрияда

Яқинда республика «Истеъдод» жамғармаси ҳайъати Австрияда ташриф билан бўлди. Ўзбекистонлик ўн нафар муаллим мазкур мамлакатга ўтган йили илк марта сафар қилиб, Австрия маориф тизими билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганди. Бу галги 15 кишилик жамғарма ҳайъати таркибига мамлакатимиз виллоятлари билим юртлири вакиллари кирди.

Ташриф дастури Австрия таълим тизимининг деярли барча босқичларини қамраб олди ва ҳамюртларимиз мазкур мамлакатнинг бошланғич мактабларидан тортиб, Европанинг энг қадимий олий ўқув юртлиридан бири ҳисобланмиш Вена университетидан қўлланилаётган ўқитиш услублари билан танишдилар. Асосий эътибор «Интернет» тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда масофавий таълим тизимини ўрганишга қаратилди.

Мазкур сафар таассуротлари ҳамкорликнинг янги лойиҳаларини тузишга чорлади. Масалан, тез орада австриялик муаллимларнинг Ўзбекистонга жавоб ташрифини амалга ошириш, мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида алмашувларни уюштириш, биргаликда машғулотлар ўтказиш, таълимнинг янги услубларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

«Жаҳон» АА



Шаҳримизда байрам тантаналари қизгин давом этмоқда.

Шеърлар

КЎЗГА СУРТ

Тўқ инсонсан нон увогин кўзга сурт,
Она замин ҳар булогин кўзга сурт,
Она Ватан ҳур байрогинг кўзга сурт,
Садоқатли дўст, ўртоғинг кўзга сурт.

Аҳил яшаш буюкликдан нишона,
Кўз тегмасин бирлик буюк кошона.
Кўролмайин куйиб кетсин бегона.
Аждодларнинг хитобини кўзга сурт.

Ота-онанг иззатини ўйлагин
Ёш авлодни ўз ҳолига қўймагин.
То тириксан фидо бўлиб куйлагин,
Оқибатнинг китобини кўзга сурт.

Жисминг узра аччиқ оғриқ турмасдан
Шифо истаб кўз жовдираб юрмасдан
Ваҳималар қийноғини кўрмасдан
Соғлом ўсган ҳар онингни кўзга сурт.

Ёмон йўлга асло қадам ташлама,
Ҳасад тўла юрак билан яшама,
Ёмон билан бир лўкма ош ошама,
Яхшиларга ҳамроҳликни кўзга сурт.

ТИНЧЛИК — УЛУҒ
НЕЪМАТ

Дуч келсанг гар таёққа
Кишан тушса оёққа
Қочар бўлсанг ҳар ёққа
Тинчлигингни ўйларсан

Фалокат келса дўлдай
Тухматлар ёғса селдай
Рангинг гезарса қулдай,
Тинчлигингни ўйларсан

Кўнглинг хушлай олмасанг
Соқин ухлай олмасанг
Беғам яшай олмасанг
Тинчлигингни ўйларсан

Отиб турса гумроҳлар
Ёнса гўзал даргоҳлар
Куйса гар беғуноҳлар
Тинчлигингни ўйларсан.

Тинчликни қадрига ет
Тинчликни армуғон эт
Бўлсанг фидоий ўғлон
Жонингни ҳам фидо эт.

Юрт тинчлигин асраган
Муносибдир таъзимга
Тинчлигинг — улўғ неъмат
Уни сен бил ганимат.

АБАДДИР БИЗНИНГ
ЗАМОН

Террорчилар дастидан
Эллар чекади алам
Улар жонинг қасдида
Нотинч бўлди бу олам.

Шум иблисга айланган
Жон олишга шайланган
Кимса топади завол,
Яшолмайди бемалол.

Бахтимизга худойим
Асрасин элни доим
Портлашлар бўлмасин ҳеч
Яшайлик шод, мулойим

Аҳд қилдик ўзимизга,
Ишонгинг сўзимизга,

Ватан бир қафт тупроғинг
Суртамиз кўзимизга.

Шуни билсин ганимлар
Юрмасин кўпайиблар.
Ким душман бўлса бизга,
Йўл йўқ ул ялмоғизга.

Дил сўзим ушбу қисса
Тинчликка бўлсин ҳисса.
Ўқиган бўлсин омон,
Абаддир бизнинг замон!

ТЎРТЛИКЛАР

Борингни бер, жонингни бер,
иймонинг берма,
Кибр билан ноўрин ҳеч
кўкрагинг керма.
Буюқларнинг пойига сен
қуллўқ бажо қил,
Кўнгли очиб инсонларнинг
бахти бутун бил.

Шу эл сени кўкка
сари кўтаргучидур,
Зарур бўлса равон йўлни
кўрсатгучидир.
Йўлинг олис бўлса ҳамки
ёғдуга чўмсин
Ҳаётингни беэаб мудом,
гулларга кўмсин.

Бу ёрўғ дунёга келганим — улўғ
Инсондек буюк зот бўлганим — улўғ
Ватаним тинчлиги эрки йўлида
Қўлимдан келганим қилганим — улўғ

Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ

ЭКОЛОГИК КУТУБХОНА

Республика «Bioecosan» ўқув-методик марказида экологик кутубхона очилди. Мазкур кутубхона ЕХХТнинг Тошкентдаги бўлими ва «Bioecosan»нинг қўшма лойиҳасига асосланган.

— Экология, табиат муҳофазаси, ҳайвонлар ва ўсимликлар оламига қизиқувчилар учун кутубхона эшикларни доимо очиб, — деди Республика «Bioecosan» ўқув-методик маркази директори Рўзимухаммад Султонов «Турки-

тон-пресс» муҳбирига. — Кутубхонадаги маълумотлар кенг қамровлидир. Бу ерда Ўзбекистон, Россия ва хорижий олим ҳамда ёзувчиларнинг асарлари бор. Шунингдек, «Bioecosan» маркази мутахассислари томонидан экология

ва инсон саломатлигига доир ишлаб чиқилган кўпгина тавсияномалар кутубхона хазинасидан жой олган. Бу кутубхона талаба ёшларнинг дарсдан ташқари қўшимча экологик билим ва тарбия олишларига имкон беради.

Р.Султоновнинг таъкидлашича, ўқувчилар қишқи таътилниг биринчи кунидан кутубхонага келиб қизиқарли китобларни ўқишлари,

кичик ҳайвонот боғи жонзотларини кўришлари, умуман аjoyиб ва хилма-хил табиат оламидан завқланишлари мумкин. Шунингдек, кутубхона замонавий техник воситалар билан жиҳозланган бўлиб, китобхонлар видео, аудио ва интернет орқали ўзларига керакли маълумотларни олишлари мумкин. Ахир кутубхона зиё маскани деб бежизга айтилмаган.

«Туркистон-пресс»



— Саидьялам Аълоевич, аввало жамият ходимларининг мақсад ва ўйлари, олдидилари қўйилган вазифаларни адо этиш йўлидаги изланишлари ҳақида тўхталиб ўтган.

— Институтимиз 1963 йилда ташкил топган бўлиб, жамоат ҳамда уй-жой бинолари лойиҳаларини бажариш мақсадини ўз олдига қўйган эди. Бунда қуриш-қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотларнинг эстетикадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, қурилиш соҳасида фан ва техника эришган энг охиригача ютуқлар қўлланган тўрдош (типовой) ва тақрибавий (экспериментал) лойиҳалар тайёрлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Уштан йиллар мобайнида жамоа ахли ўз олдидидаги масъулиятли вазифани урдулашга интилиб, жуда кўп бинолар лойиҳасини яратди ва улар муваффақиятли амалга оширилди. Айниқса, юртимиз мустақилликка эришган, имкониятларимиз янада кенгайди. Институтимиз Республика давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг уй-жой ва жамоат бинолари ҳамда уларнинг сейсмик мустаҳкам-лигини таъминлаш бўйича бош институти хусусидаги. 1994 йилдан акциядор-лик жамияти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдамиз.

— Мустақиллик йилларида яратилган имкониятлар жамоа лойиҳачи-лари фаолиятларида қандай самара берди?

— Мустақилликдан аввал барча меъраб ҳужжатлар марказдаги институтлар томонидан тайёрланганлиги боис республикамиздаги ўзига хос ҳудудий хусу-сийлар тўлиқ инноватга олинмас эди. Шу боисдан ҳам мустақилликнинг бизга берган энг катта имконияти шу бўлиши, фирмаларимиз, ишканаларимиз, ўйла-ришимиз юзга чиқа бошлади. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бошчи-лигида шу кунга қадар 100 дан ортиқ қурилиш қўмиталари ва меъраблари (КМҚ) ҳамда стандартлар тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу қанда ҳам меъраблар рес-публикамизнинг ҳудудий, иқлимий, геологик, яъни эстетикага бардош бериш имкониятларини хусусида, қурилишнинг илмий асослари ва лойиҳалаш услуби-ни инноватга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда бунёд этилаётган

академик лицей ва коллежларини лойиҳалаш қондалари ва меърабларини ҳам ишлаб чиқиш, мутахассисларимиз Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амал-га оширишга муҳим хиссаларини қўшди. Бу борада яна 375, 600, 825, 1050 ўқувчига мўлжалланган академик лицейлар лойиҳаларини алоҳида ташкиллаш ўрни-ли бўлиб, улар Республика Архитекторлар уюшмаси томонидан ўтказилган 2001-2002 йилнинг энг яхши лойиҳалари кўрик-танловда совридорлар қато-рида муносиб ўрин олди.

— Айни даврда институтда қанча ишчи-ҳодим фаолият кўрсатмоқда?

— Қўзда тутилган мақсадлари-мизни амалга ошириш йўлида институтимизда 160 нафар ҳодим меҳнат қилмоқда. Шуларнинг 30 нафари илмий ҳодимлар бўлиб, аксарияти илмий даражага эга. Уларнинг юқори салоҳиятлари ҳақида ҳар қанча фахрлилик га-пириш мумкин. Лойиҳачиларимиз орасида ўз соҳаси илгорлари, кат-та тақрибга эга бўлган мутахас-сислар кўпчилигини ташкил эта-ди. Уларнинг самарали меҳнат-лари натижаларига тўхталадиган бўлсак, «Тошкент» теннис мар-кази кортлари, «Тошкент» ва «Ўз-бек кистор» меҳмонхоналари ва бо-шқа бир қатор биноларни қайта қуриш лойиҳаси, «Жар» спорт-со-ғломлаштириш мажмуаси, Мар-казий банкнинг Тошкент вилояти бўлими биноси, «Ив-меридиан» меҳмонхонаси, Хуршид қўчасида-ги замонавий академик лицей биноси ва республикамиз вилоятларидаги кўп-ла йирик қурилишлар, турар жой бинолари бунинг яққол исботидир. Бу борада Д.Мухамедов, М.Шагаев, Ш.Хажиев, К.Пахшиев, Р.Тажатганов, Т.Матқубова, А.Надиршин, М.Горбачий, Р.Шорамедов, Т.Мухаммадминов сингари лойиҳачиларимиз номларини ай-тиш, уларнинг ёшларга устозлик қилаётганликларини ҳам таъкидлаш ўринли-дир. Шунингдек, нафақат янги бинолар лойиҳаси, балки илгари қурилган ин-шоотларни ҳам замон талабига мослаб қайта қуриш лойиҳаларини яратишда фаол иштирок этамиз. Бу, албатта олимларимиз ва лойиҳачиларимиздан ўзига хос уйғунлик, билим ва масъулият талаб этади.

— Ҳозирги жамоа ахли бажараётган долзарб ишлар нималардан

иборат?

— Мустақил дёвримизда жисмонан соғлом авлод, эртаимиз яратувчиларининг камол топшида жисмоний тарбия ва спортнинг туган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Хукуматимизнинг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бош лойиҳа-чи институт сифатида долзарб вазифаларни бажаряпмиз. Мутахассисларимиз спорт мажмуаларининг тўрдош лойиҳаларини тайёрлашмоқда. Шу мақсадда 5 йил спорт маж-муаларининг лойиҳаси ишлаб чиқилди, ҳозирда шу вазифа-мизни яқунлаш арафасидамиз. Бу ишдан биз жуда фахрланамиз. Негаки лойиҳаларимиз-да мамлакатимиз ва пой-теғимизда бунёд этилаётган спорт иншоотларини фар-задиларимиз соғлом ўсишларига, бақувват бўлишларига хизмат қилишида бизнинг ҳам хиссамиз бор. Зеро, соғлом авлод мустақил Ўзбекистони-ми келажакни яратувчилар-дир.

— Шахримизда бунёд этилаётган иншоотлар лойиҳаси устида иш олиб борилганда нималарга алоҳида эътибор қаратилади?

— Авваламбор пойтахт бу Ўзбекистонимиз чиройининг кўзгуси десак хато қилмаймиз. Шу боисдан бунёд этилаётган ҳар бир иншоотлар шунга мос ва хос бўлиши лозим. Пойтахтнинг ўз архитекту-раси, меъморчилик аъсаналари бор. Яъни унда ўзқ йиллар мобайнида қурил-ган кўпдан-кўп бинолар мавжуд. Эстетика қад ростиладиган янги қурилишлар эса ана шу бино ва иншоотларга мослашган, замон талабига жавоб берадиган бўлиши керак. Ташқи қурилиш, теlex жойси, фойдаланиш хизмати, сейсмик мустаҳкамчилиги, албатта, эъти-бор қаратилади. Мў-морий хилма-хиллик деган гап бор. Шундан келиб чиқади: «Ун-салк, бинола, бирини тақорламайдиган бўлиши керак. Шаҳарнинг марказида жойлашадиган жамоат бинолари ўзига хос қўрилишга эга бўлса, уй-жой бинолари эса замон талабига, яшовчилар-дид ва эҳтиёжига яраша лойиҳаланмоқда.

— Лойиҳалаш ишларида, қимлар билан ҳамкорлик қиласизлар?

— Тошкент тадқиқот институти, «Тошкент бешрежа» институти, Тошкент шаҳ-рини лойиҳалаш ва қайта қуриш институти, шунингдек Хиндистон, Франция, Туркия ва Германия мутахассислари билан ҳамкорлик қилиб турамыз.

— Юртимизда қурилаётган ва қуриш учун мўлжалланган биноларнинг чет эл-лик мутахассислар тайёрлаган лойиҳасини шароитимизга мослаштириш ма-салаларида улар билан биргаликда иш олиб борамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1990-2000 йилларни табиий офатлардан келадиган зарарни камай-тириш Халқаро ўн йиллиги (IDNDR) деб эълон қилди. Рўй бериши мумкин бўлган эстетикадан дунёдаги йирик шаҳарлар учун (шу жумладан Тошкент шаҳ-ри учун) сейсмик хавфни баҳолаш ва зарарни камайитириш бўйича чора-тад-бирлар ишлаб чиқиш учун IDNDR котибияти Халқаро «Радиус лойиҳаси» таш-кил қилди. Бу лойиҳа дастури бўйича шаҳар хромилиги бошчилигида Факулд-да вазиятлар базирилиги, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда вазифалар ишларимиз котибият томонидан юқори баҳоланди. Шу билан биргаликда малакали кадрларимизни қўллаб-қувватлашга, ёшларимиз-нинг тақриба ўрганишларига аҳамият берамиз. Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси қўшида ташкил этиб туриладиган ахборот ва семинарларда ёш кад-рларимиз малака оширишда, уларда фаол иштирок этишида. Ушбу курсларда чет эллик ҳамда ўз мутахассисларимиз маърузалар ўқишда, сабоқ беришда.

— Сиз билан янги—2004 йил бўсагаида сўхбатлашаётганимиз боис ҳам йил якунига келгуси ниятлар ҳақида билгимиз келади.

— Режаланган ишларимизни имконимиз борича яқунлашяпмиз. Болалар спорт мажмуаларининг тўрдош лойиҳаларини битказаяпмиз. Ҳозирда ҳаммамлакатим-изнинг барча вилоятларида ва пойтахтимизда шу лойиҳаларимиз асосида болалар спорт мажмуалари қад кўтара бошлади. Бундан ташқари «Фан ва технология маркази» буротмаси асосида илмий ишларни юксатишимиз. Бу биноларнинг сейсмик мустаҳкамчилиги, замонавий теxмакор иштиш восита-лари, мавжуд биноларнинг хизмат қилиш мuddатини ошириш йўналишидаги иш-ларимиздир. Келгуси йил режаларимиз хусусида айтадиган бўлсам ҳукуматимизнинг бор-зор иқтисодийётига ўтишда қурилиш соҳасидаги ишохотларга бағишланган бир қатор қарорларини амалга оширишда институтимиз ўзининг муносиб хиссаси-ни қўшиш учун барча имкониятларини ишга солади, янгилик ва изланишлари-мизни энг яхши лойиҳаларимизда акс эттириш, мамлакатимиз қўрилиш охи-радиган, эл-юрт фаровонлигига хизмат қўрсатадиган иншоотлар лойиҳасини яратишда фаол иштирок этамиз. Албатта, бу эзгу ишга жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз хиссасини қўшади. Биз шундан фахрланамизки, меҳнатимиз махсу-ли кўз олдимизда намоян бўлади, дилларини яйратиб, кўзларини қўнатилади. Фу-рсатдан фойдаланиб ҳамкасбларимизни ва ҳамшарқларимизни кириб келаёт-ган Янги йил билан қим дилдан табриқлайман.

— Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлашди. СУРАТДА: жамоа лойиҳачилари асосида шахримизда қад ростланган бино.

Қурилиш тайёронларида ҚАЛБЛАРИ ГАЙРАТГА ТўЛА

Қурувчиларни бежизга машаққатли, шарафли касблар сирасига киритмаймиш. Шарафли шундаки уларнинг гайрат-шижо-атлари билан бунёд бўлган иншоотлар кўз ўнгинида чиройини намоян этади, юр-тимизга кўрк бўлиб, йиллаб хизмат кўрса-тади. Ушбу меҳнат махсулини бунёдкор-нинг ўзи ҳам кўриб, хунаридан фахрлана-ди, қалби завқ-шавққа тўлади.

Албатта, машаққати хусусида тўхталадиган бўлсак, вазифасига сидки-дилдан ёндошиш, бино-ларни мустаҳкам ва сифат-ли, замон талабларига жа-воб берадиган қилиб бунёд этиш, қишининг қаҳратоний ёзнинг саратонини ҳам писанд қилмай тер тўкиш — буларнинг барчаси қурув-чилдан ўз касбига муҳаббат, гайрат ва матонат талаб қилади. Шу боис ҳам қурилишни мардлар май-дони деб атасак, асло ян-гишмаймиш.

Жорий йилда пойтахти-мизда жуда кўплай иншо-отлар, турар жой бинола-ри, лицей ва коллежлар, гузар ва машиш хизмат шохобчалари ишга туши-рилди. Ана шундай бетак-



роқ бинолар қурилишида озлаб бунёдкорларимиз меҳнат қилишди. Уларнинг меҳнат самараси эса бу-гунги Янги йил арафаси-да шахримиз жамолини кўз-кўз қилмоқда. Шахримиздаги «12-трест» хиссадорлик жамия-тининг 2-механизация-лашган кўча колоннасида меҳнат қилаётган 200 на-фардан зиёд қурувчилар ҳам ўзларининг баракали меҳнатлари билан бунёд-корлик ишлари кўламини муносиб ҳисса қўшишмоқ-да. СУРАТДА: қурувчи Ат-хам Олимбоев ўз вази-фаларини ҳақиқат сидки-дилдан бажарди. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.


МАҲАЛЛАДОШЛАРГА СОВҒА

Ҳар бир инсон меҳнати ва қилган савобли ишлари билан эл ардоғида бўлади. Ҳақиқий меҳнат ва савобли ишларини кишини юксалтиради, дунёдан ўтганидан сўнг ҳам унинг номи ўша меҳнатлари эвазига абадий эслаб юрилади. Маҳалладошлари, ёру дўстлари учун ўз маблаг ҳисобидан маҳалла гузарини бунёд этишга бел боғлаган Исроил хожи отанинг ишлари поёнига ет-май қолди... Аммо умр давомийлиги фарзандлар ҳаёти-да ақл этар экан. Отанинг ўғиллари Иброҳим, Илҳом, Ихтиёр Акбаровлар у бошлаган ишни кўнгилдагидек яқунлашни фарзандлик бурчлари деб билдилар ва бу йўлда бирлашдилар.

Халқ манфаатини кўзлаб бошлаган иш албатта ҳеч ким-ни бекфарқ қолдирмайди. Ак-мал Икромов тумани Худойбер-диев маҳалласи фаоллари Ис-роил хожи отанинг ташаббус-ларини қувватлашиб, туман ҳокимлигига тақлиф билан чи-қдилар. Ҳокимлик ҳам оқсоқол-ларнинг шижоати, меҳнатга бўлган иштиёқлари ҳамда ма-ҳалла ободчилига эътиборлари юксаклигини инноватга олиб, бу йўлда уларга ҳар қанча бўлса-да ёрдамларини аямди.

Бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан бўлавермайди. Қурилишда лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга. Тошкент шаҳар Меъморчилик бош бошқарма-си қўшидаги лойиҳалаш бўли-ми меъморлари томонидан тақ-лиф этилган иш ташаббускор-ларга ҳар томонлама маъқул келди ва шу асосда қурилиш-тиклаш ишлари бошлаб юбо-рилди.

— Утган йили март ойда гузар қурилиши бошланган эди. Минг квадрат метр май-донни ташкил этган гузар би-носи пойдеворини тиклашда маҳалламиздаги хунарманд ус-талар, ёшу қари бирдек меҳ-нат қилишди, — дейди ишбо-ши Иброҳим Акбаров. — Ме-нинг бу йўлдаги ҳамма ишлар-имга ҳар доим отам ёрдамла-шаётгандек туюлади назарим-да. «Кўпдан кўн қочиб кутул-мас» деганларидек маҳалла-дошлар ҳашари эвазига икки қаватли гузар биноси қад рос-тлади.



ла фаоллари нақлга амал қили-ши бинони бузиб ташлашни истаманган эдилар. Мана энди замонавий, ҳар томонлама қулай янги гузар биноси бу-нёдга келди, эски бинонинг ортиқчилиги эса ҳаммага аён. Албатта, уни бузиб ташлаш-нинг вақти келди.

Икки қаватли маҳалла гуза-ридан 500 ўринга мўлжаллан-ган маросимлар зали ўрин ол-ган бўлиб, айна пайтда унда пардозлаш ва жиҳозлаш ишлар-и тугатилди. Гузарнинг икки пардозлаш ишларига мо-ҳир пардозловчи Бекзод Қари-мов доимо бош-қош бўлиб келмоқда. Шунингдек, гузар биносидан тадбирлар ўтказиш-зали, машиш хизмат қўрсатиш шохобчалари, озик-овқат дўкони ҳам ўрин олган. Ушбу гузарга маҳалладошлар келишган ҳолда Исроил хожи ота номини беришди.

Ҳақиқатан, Исроил хожи отанинг савоб йўлидаги қил-ган ишлари беиз кетмади. Кел-гусида ҳар доим гавжум ва одамлар билан файзга тўлув-чи ушбу гузарда Исроил ота ҳақиқа ўқилган дуолар жара-нда, ота фарзандларини бун-данда савобли ишлар қилиш-га чорласа не ажаб.

Орагул РУСТАМОВА СУРАТДА: маҳалла гузарининг умумий кўри-ниши.

БУНЁДКОР

Севимли иш билан шуғулланиш, оила-даги хотиржамлик, жамоадошлар ҳурмат-эътибори, уларнинг барчасига керакли-гин, эл-юрт қорнига яраётганини ва муваф-фақиятлар қозонаётганини — мана шулар-нинг барчаси ҳаётда муносиб ўрнинг бор-лигидан бўлса керак. Қаҳрамонимиз Охтом Турғунбоев ана шундай бахтмуз. У 22 йилдирки сеvimли касб — қурувчи-ликни эъозлаб, шахримиздаги «159-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8-қурилиш бошқармасида меҳнат қилиб келади. Энг асосийси эса унинг меҳнати нафақат жамоа-дошлари, балки эл-юртнинг ҳур-мат-эътиборига сазовор бўлди. 2003 йил бунёдкор ҳаётида ўчмас из қол-дирди. Президентимиз Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 12 йил-лиги арафасида мукофотланган юртдошларимиз қаторида унинг кўксига ҳам «Меҳнат шўҳрати» ор-дени порлади. Бу, албатта меҳнати қадр-и, ҳамкасблари эътибори ва ишончидан ла-лолатдир.

— Бригадамизда қурувчиларнинг турли йўналишини эгаллаган 27 нафар пайванд-чи, бетончи, тикловчи, ғишт терувчи ва бошқа хунар эгалари меҳнат қилишди, — дейди Охтом Турғунбоев. — Ҳаммамиз ҳам-жихатликда, аввало меҳнат интизомига, бажарилаётган иш сифатига алоҳида эъти-бор қаратамиз. Ишимизда биринчи навбатда сифат ва мустаҳкамлик муҳим аҳамият касб этади. Албатта, комплекс бригада бўлган-лигимиз боис ҳам бир-биримиз билан ба-маслаҳат иш юртамиз. Негаки, пойдевор ўрнатилган тортиб тиклаш юмушларига-ча бир-бири билан узвий боғлиқдир. Кўпчиликка бош бўлиш, ҳар бирининг

назорат қилинади. 1982 йилда қурилишда олд-да шогирд-ликдан иш бошлаган Охтом ақали хунар эгаллашга чанқоқлиги, кунт ва маҳора-ти боис бўлса керак, тез орада бригадир-ликка тавсия этишди. Мана шунча йил-лар давомида у ўз бригадаси аъзолари билан вазифаларини сидқидилдан ало эътиб, нафақат пойтахтимиздаги, балки республикамиздаги жуда кўплай бинолар, мактаб ва боғчалар, лицейлар қурилиши-да фаол қатнашди. Пойтахтимизнинг «Сергели-7», «Сергели-8» мавзесигаги мактаб ва боғчалар. Жиззахдаги 1450 ўринли ўрта мактаб, Хуршид қўчасидаги академик лицейнинг замонавий бинола-рини тиклашда гайрат ва шижоат сарф-лашди.

— Охтом Турғунбоев жамоамиз фахри бўлиши билан бирга ёшларимизнинг меҳ-рибон устози ҳамдир, — дейди бошқарма бошлиғи Мурод Мираҳмедов. — Уларга қурувчилик сирларини эриямий ўргатади. Шу боисдан ҳам ҳозирда унинг ўнлаб шо-гирдлари бор. Уларга эса ҳар қандай масъ-улиятни ишни топшириш му-кин. Чунки сидқидилдан урдлаша-ди.

— Охтом ака бир дақиқа ҳам ишини уйламай тура олмайди, — дейди турмуш ўртоғи, Ҳамза ту-мандаги Бобохон Салимов ном-ли маҳалла фуқаролар йиғини ра-иси Холлидаҳон опа фахрланиб, — шу билан бирга маҳалла юмуш-ларида энг яқин ёрдамчимиз са-налади.

Шуниси қувонарлики, ҳаётда ўз ўрнини топган Охтом ака фар-зандларини тарбиялашда ҳам меҳрибон ота, уларга тўғри йўл кўрсатувчи устоз саналади. Шунинг учун ҳам ўғли Фаҳридин, қизлари Гулноза, Шаҳноза, Гулноралар эл-юрт равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда. Кенжалари Гулбаҳор эса опалари изидан қориб, мак-табда аъло баҳоларга ўқимоқда.

— Муқофоти оқлаш керак, — дейди орден соҳибни ишонч билан. — Бунинг учун эса янада самаралироқ ишлашим ке-раклигини дилдан ҳис этаяман. Албат-та, бригада аъзоларин, ҳамкасбларин бу борада менга энг яқин мададор бўлиша-ди. Юртимизда капитал қурилиш соҳаси-даги ишохотларни амалга ошириш бора-сида биргаликда меҳнат қилиб, қурилиш сифати ва самарадорлигига муҳим ҳисса қўшамиз.

Шарофат БАҲҲОМОВА

Ишончот самаралари

Бу борада «Ўзқурилишматериалла-ри» акционерлик компаниясида ҳам мамлакатимиздаги бунёдкорлик юмуш-лари учун керакли, сифатли ва арзон, четдан келти-риладиган ана шундай маҳсу-лотлар ўрнини босувчи қури-лиш материал-лари ишлаб чи-қаришга кейин-ги йилларда му-ҳим эътибор қаратилган. Компанияда 2005 йилгача ўзимизнинг хом ашё ҳисобита ишлаб чиқа-ришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича етти лойиҳа тайёрланиб, жо-рий йилда 6 тасини амалга ошириш кўзда тутилган эди.

— Маълумки, кейинги йилларда рес-публикамизда ойнаванд бинолар қуришга эътибор қаратилмоқда, — дейди компания бошқаруви раисининг ўринбосари Абдураҳмон Маҳмадиев. — Шу боис ҳам биз жаҳон андозалари да-ражасидаги меъморий, авто ҳамда ран-ги ойналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Биз ўз соҳамизни ривожланти-риш учун мукамал режа ишлаб чиқ-дик. Ушбу режадан инвестицияларни жалб этиш, ноу-хау жорий этиш, янги қурилиш технологиялари, қурилиш материаллари масалалари муҳим ўрин эгалатади. Энг асосий вазифамиз эса тизимимиздаги корхоналарни замона-вий ускуналар билан жиҳозлашдир.

Яқин кунларда Тошкент қурилиш материаллари комбинатида сантехни-ка бўлмлари ишлаб чиқариш линияси-ни ишга тушириш кўзда тутилган. Бу-нинг учун италиялик ҳамкорлар билан иш олиб борилмоқда. Ушбу линия ишга тушса, янада сифатли ва замонавий

сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш имконияти туғилади.

Компания корхоналарида тайёрлана-ётган қурилиш материалларининг четга

экспорт қилинаётгани ҳам қувонар-лидир. Жорий йилда экс-порт ҳамми ортиб, қури-лиш ашёлари Туркистон, Афғонистон ва бошқа қўшни дав-латларга экс-порт қилин-моқда. Булар цемент, ойна, ғишт ва бошқа қурилиш матери-алларидир. Бунинг учун бозор талаб-лари тинмай ўрганиб борилади. Чет эллик ҳамкорлар билан узвий алоқа боғлашда жойларда иш олиб бораётган савдо уй-ларининг аҳамияти каттадир. Ҳозирда компаниянинг 16 та савдо уйлари мав-жуд бўлиб, улар Россия, Литва, Турк-маниястон, Тожикистон, Белоруссия, Словакия ва бошқа қатор давлатларда фаолият олиб бормоқда.

Режада кўзда тутилган лойиҳаларни амалга оширишда кредитлардан самара-ли фойдаланилмоқда «Ўзқурилишмате-риаллари» акционерлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқти-содий фаолият-миллий банкининг кор-поратив миждо саналади. Кўзда тутил-ган орлтида лойиҳани ишлаб чиқаришга жорий этиш учун 30 миллион доллар-лик кредит олишга муваффақ бўлинди. Ушбу лойиҳалар амалга охса, респу-бликамизда сифатли ва рақобатбардош бунёдкорлик материаллари — сантехни-ка ускуналари, автомобиль ойналари ва линпласет ишлаб чиқариш ҳамми янада ортади.

Диляноза ҒИЁСОВА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИЙ ДОМО БЎЛУР...

• Вафоли ва мухаббатда ихлосли дўст топиш — энг оғир ишдир, чунки одамларнинг ташқи ҳоллари ички сирларини яширади.

Дўст танлаш учун энг муҳим маслаҳатлар:

— биров билан дўст бўлишни истасангиз, унинг дўстларини текширинг. Агар уларнинг феъл-атвор, одоб-тарбияларини яхши текшириб билсангиз, унинг ҳам феъл-атворини англайсиз, чунки ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлади;

— унинг юриш-туришига диққат қилинг, ахлоқини ўрганинг;

— у билан муомала қилувчилардан унинг муомаласини сўранг, ундан рози ёки норози эканликларини, унга ишонган ёки ишонмаганликларини биласиз;

— унинг кўринишига, ташқи қиёфасига алданманг, чунки ичи қора бўлиши мумкин;

— бошқаларни гийбат қилувчи, уларнинг сирларини сўзловчи билан дўст бўлманг;

— ёмон йўлга бошловчи киши билан дўст бўлишдан ҳазар қилинг.

• Дўстнинг васли кўрар қўзларга роҳат беради, чунки ошиқ машуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

• Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортик оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортик санама!

• Дўстларро яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида тутар ва карам эшигини улар юзига очиб кўяр, тилақларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

• Оқил киши донога, олижаноб, ростгўй ва хушўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосиқдан қочар.

• Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

Байт:

**Икки лаб бир бўлса,
хаттоки нафас,
Улар орасидан осон
ўтолмас.**

**Кўздек бир-бирингга
бўлма тескари,
Лаблардек иттифок
бўлги аксари.**

У менинг холамга уйланган эди. Бинобарин, менга почча бўларди. Почча ҳам яқин қариндош-да. Тўғри, сўнгги ўн йилда у София холамга бирор марта ҳам қорасини кўрсатгани йўқ. Шундоқ бўлса-да, мен газетада унинг вафот этгани тўғрисидаги хабарни ўқиб, ғалати бўлиб кетдим. Ҳар нима бўлганда ҳам, поччамнинг вафоти бевосита менга ҳам дахлдор воқеа деб ўйладим.

У кезларда мен қизлар коллежида ўқир эдим. Жуда яхши эсимда — ўша оқшом биз бир нечта қиз ётоғимизнинг меҳмонхонасида гап сотишиб ўтирдик. Мен паришонхотиргина газеталарни кўздан кечириб бошладим. Кутилмаганда газетадаги қора рамкага олинган бир сурат диққатимни жалб қилди. Суратдаги чеҳра менга таниш кўринди. Ҳа, бу — ўша менинг қадрдон, унутилмас поччам эди. Мен унинг шаънига берилган тизгинсиз мақтовларни ўқир эканман, бир амаллаб ўзимни тугиб турдим. Уни «Филиппиннинг сўнгги улуг шоири» деб кўқларга кўтаришпти.

Аммо «Малайя халқининг қалбини куйлаган мўъжизакор соз мангута тинди» деган сўзларга етиб борганимда, ўзимни ортиқ тўхтата олмадим. Томоғимга бир нарса тиқилиб келди-ю, хўнграб йиғлаб юбордим. Нима гап бўлганини билмоқчи бўлиб, дугоналарим менга ташланишди, лекин мен йиғлашда давом этиб, бармоғим билан суратга ишора қилдим. Газетадаги суратда поччамнинг навқирон йигитлик чоғларидаги келбати тасвирланган эди.

Дугоналарим дардимга шерик бўлгандай ҳаммалари овозларини пасайтиришди. Мени жонидан ортиқ яхши кўрадиган дугонамнинг эса «Кўй, хафа бўлма, бошқа ҳамма улуг шоирлар каби сенинг поччанг ҳам тўғри жаннатга тушади», деб мени овуттишга тушди. Буни эшитиб мен яна баттар хўнграб юбордим — ахир, поччам София холамин ташлаб кетгани-да. Сўнгги йилларда бошқа хотинга уйланиб ҳам олган эди. Ўша хотиннинг кучоғида жон берган бўлса-я! Худо кўрсатмасин-е... Хуллас, поччамнинг жаннатга тушиши амри маҳолроқ эди.

Эҳтимол, дугоналарим менга керагидан ортиқроқ дардкашлиқ қилиб юборишгандир — нега десангиз холамининг саёқ эри менга унчалик яқин қариндош бўлмайди. Лекин ростини айтсам, мен ҳеч кимни алдаганим йўқ. Дугоналаримнинг ўзлари мендан «бу одам сенга қанақа қариндош бўлади?» деб сўраши хаёлларига келтирмайдилар-да! Лекин орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг бизнинг журналимизда менинг «Атир гуллар мени аллади» деган достоним босиб чиқарилди. Мен унинг чиқишидан аллақачон умидимни узиб қўйган эдим. Журналда мени «Яқинда ҳаётдан кўз юмган улуг шоирнинг жиъни» деб таърифлашпти. Очиғини айтсам, бунда менинг заррача хизматим йўқ. Достон босилганидан кейин мен поччам билан қариндошлигимдан бош тортолмай қолдим. Кейин эса мендан «Поччам. Унинг ҳаётининг нафосати» деган мавзуда эссе ёзиб беришимни сўраганлариди «Йўқ» дея олмадим. Эсседа улуг қариндошимнинг болалик ва ўсмирлик йилларини баён қилиб бердим. Синф раҳбаримиз поччамнинг уйлангандан кейинги ҳаёти ҳақидаги гапларни эсседан бу-

Назон адабийёти дурдоналари

тунлай чиқариб ташлади. Мураббий-мизнинг гапига қараганда, поччам ҳаётининг иккинчи ярми унчалик гўзал бўлмаган эмиш. Бу масалда мен унинг гапига қўшили олмадим — негаки, поччамнинг гуноҳлари бошқа улуг шоирларнинг қилмиш-қидирмишлари олдида урвоқ ҳам бўла олмас эди.

Холам поччамнинг хушёр пайтларда жуда оқил ва бамаъни одам бўлгани тўғрисида менга кўп гапирар эди. Тўғри, унинг хушёр пайтлари кам бўларди, лекин рўй бериб қолса, у ўзининг ҳамма кўсурларини сўзсиз тан оларди. Холамининг айтишича, шунинг учун поччам ёшлигида ҳеч қачон уйланмайман деб юрар экан, чунки ўздан яхши эр чиқмаслигига ақли етар экан. Аммо холамининг хусни-таваж-

пуф дейишини буюрди. Сўнг мени суқраб ваннахонага олиб кирди-да, новшадил ҳиллатиб, томоғимни чайишга буюрди. Мен томоғимни чайар эканман, у тинмай сайрав ва аллақандай ёмон ишларга гувоҳ бўлишга ундаб, ҳамма азиз-авлиёларга тавалло қилдириди. Поччамникига мени бошқа юборишмади. Ўша кундан бошлаб, холам ўзининг расво эрини ҳадеб қоралашни одат қилиб олди. Онажоним унинг дийдесини дардкашлик билан тинглаб ўтирарди. Эрининг нақадар тубан ва пасткаш эканини гапиргани сари холам шунча роҳат қилаётгандай кўринарди. Холам «бундан ортиқ паст кетиб бўлмайди» деб хуноб бўларди, поччам эса «бундан ортиқ» тубанлашишда давом этарди. Танишлар поччамнинг устидаги куйлақлари кир бўлиб кетганини ёки шунга ўхшаш гапларни кўтариб келишарди. София холам бунақа гапларни алланечук ички мамнуният билан тақрорларди. Лекин ҳаммасидан ҳам у поччамнинг озиб-тўзиб кетгани ҳақидаги гапларни эшитса, хурсанд бўларди, негаки бунақа гаплар поччамнинг хотинидан ажралиб жуда ночор аҳволга тушиб қолганидан далолат беради. Бизнинг назаримизда поччам бу аҳволда узоққа боролмайдигандай туюларди — ҳар гал бизга унинг аввалгидан баттар озиб кетганини айтиб келишарди. Ҳолбуки у шўрлик азалдан озгин, хипча бўлган эди. Лекин масаланинг ғалати томони шунда эдики, София холамининг ўзи кундан кун семирғандан семириб борарди-ю лекин кўринишидан сира-сира бахтиёр аёлга ўхшамасди. Мен ўн бирга тўлганимда ойим билан София холам қўққисдан менинг олдимда поччамнинг хулқи-атворини муҳокам қилмай қўйишди. Мен уларнинг ёнида пайдо бўлишим билан испан тилида гаплашишга бошлардилар. Испанчани тузукроқ ўрганамсам бўлмайдиган бўлиб қолди. Шу пайтга қадар мактабда испан тилидан паст баҳолар олиб келардим. Орадан кўп ўтмай уларнинг нима тўғрида гаплашаётганини яна тушунадиган бўлиб қолдим. Маълум бўлдики, энди уларнинг асосий мавзуси поччам эмас, «анави аёл» бўлиб қолипти. «Анави аёл» тўғрисида мен анча нарсаларни билиб олдим. У ёш, ўқимишли, топармон-тутармонгина экан (бу мўмай даромаднинг қаққдан келишига маънодор шаъмалар қилинарди). Поччамнинг ўзи эса бирданга бинойидек одамга айланиб қолди. София холам вафодор хотин сифатида поччам ва унинг истельдои тўғрисида озгидан бол томиб гапирарди. Унинг гапларига қараганда, эри шўрлик тузоққа илинган. «Бу ярамас аёл» унинг бошини айлангириб олган. Зулминини қаранг-а, бир қултум ҳам ичимлик ичирмай қўйипти! Эрак одам жиндай жиндай ичиб турмас бўлади, ахир?» (Маълум бўлишича, поччам ҳамisha жиндай-жиндай ичиб турган экан — шундай қилмаса илҳом келмас, шерь ёзолмай қоларкан!)

«Бу аёл» ҳамма жойда поччамга соялай эргашиб юрадиган ва ўзини ҳатто «поччамнинг хотини» деб таништирадиган бўлиб қолганини эшитиб, танишларимиз бироз тангит қилишди. Энди улар «поччамнинг хотини» тўғрисида гап сотишарди, фақат қайси хотини тўғрисида кетаётгани унча аниқ бўлмасди. Лекин орадан кўп ўтмай уларга номер қўйиб олишди: София холамин «биринчи хотин», «анави аёл»ни «иккинчи хотин» деб атай бошлашди.

(Давоми келгуси сонда)

Лида Ривера ФОРД

АДАБИЙ МЕРОС

Ҳикоя

жуҳи уни ақдан оздириб қўйипти. Буни холам алоҳида писанда қилиб қўярди.

София холам унинг ҳамма кирдикорларига кўз юмарди, лекин бир кун унинг ҳам бардоши тамом бўлди. Бир кун поччам роса тўйиб ичиб келипти. Холам уни жиндай таъзини бермоқ учун ўриндиққа ўтирган жойида чандиб боғлаб қўйипти. Ўшандан кейин холам бир марта ҳам унинг ичганини кўрмапти. Холам наинки унинг ичганини, балки, умуман ўзини ҳам кўрмапти, негаки, хуши жойига келганидан кейин уйдан чиқиб кетипти, бутунлай бош олиб чиқиб кетипти. Шоирларга озодлик керак-да!

У пайтларда мен ҳали кичкина қизалоқ эдим, лекин эсимда — бир кун холам мени машинага ўтқазди-да, қўлимга хат тутказиб, меҳмонхонага олиб бориб поччамга беришни тайинлади. Поччам мени худди машхур бир хонимни қарши олгандек фавқулодда тавозе билан кутиб олди. У турган хонани кўздан кечириб чиққунимча шарбат тайёрлади. «Бу жуда бошқача шарбат» деб писанда қилди у. Ҳақиқатан ҳам мен ҳали умримда бунақа тотли шарбат ичмаган эдим. Фақат поччам уни ангишвонадек кичкина идишга қилиб бергани чакки бўлди. Мен сиполик билан шарбатдан тотиниб ўтирдим, поччам бўлса холамининг ҳол-аҳволини суриштира кетди. Буни қаранг — ўзим ҳам ўша сафар ўлғудай сўзамол бўлиб кетибман ва поччамнинг ҳамма саволларига батафсил жавоб берибман. Мен унга холамининг соғ-саломатлигини айтдим, унинг нонуштага ва тушликка нима ейишини гапириб бердим, борган сари семирив кетаётганини ҳам яшириб ўтирмадим.

Поччам гапларимни тинглар экан, нима учундир ҳадеб жилмаяр эди. Кейин у тоқчадан бир китобни олди-да, унга алланарсаларни ёзиб, холамга бериб қўйишимни илтимос қилди. Бу пайтга келганда мен шарбатни паққос тушириб бўлганда мен қўлимдаги қадаҳни маънодор қилиб ушлаб ўтирдим. Кошки эди поччам шаъмамни тушуна-ю шарбатидан яна куйиб берса деб умид қилмоқда эдим. Лекин у менинг шаъмамни тушунишни истамди ва мени кузатиб қўйди. Лекин остона ҳатлаб, ташқарига чиқишимиз билан менга қачон бу ерга келсам, ҳамisha мени ширин-шакар шарбатлар кутиб туражанини ўқтирди.

София хола китобни кўриб, жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди, даблурустдан мени кучоқлаб, юз-кўзларимдан ўпди, лекин шу заҳотийёқ менга ғалати қараш қилди-да нафасимни чиқариб,

Лида Ривера Форд — ҳозирги Филиппин адабиси. Филиппиндаги Саллиман университетини тугатган. Кейин АКШда ўқиган, инглиз тили магистри илмий унвонига эга. Инглиз тилида ёзади...

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти бўш (вакант) «Солиқ ва сугурта», «Статистика» кафедралари мудирлиги лавозими ва куйидаги «Ўзбекистон тарихи» катта ўқитувчиси (1); «Қимматли қоғозлар ва биржа иши» доцент (2), катта ўқитувчи (2); «Умумиқтисодий назария» доцент (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (1); «Фалсафа» катта ўқитувчи (1); «Маънавият асослари» катта ўқитувчи (1), ассистент (1); «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи (1), ассистент (1); «Менежмент ва ҳуқуқ» доцент (1), катта ўқитувчи (4), ассистент (2); «Чет тиллари» катта ўқитувчи (3), ассистент (7); «Молия» доцент (1), ассистент (5), «Банк иши» катта ўқитувчи (3), ассистент (2); «Инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш» катта ўқитувчи (3), «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» доцент (1) катта ўқитувчи (4); «Солиққа тортиш ва сугурта иши» катта ўқитувчи (4), ассистент (1); «Макро-микротиқтисодиёт» доцент (1); «Иқтисодий география ва экология» доцент (1), катта ўқитувчи (3), «Иқтисодий информатика» профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (3); «Бухгалтерия ҳисоби» доцент (1), катта ўқитувчи (2), «Математика» доцент (2), «Статистика» доцент (1), катта ўқитувчи (2), «Жисмоний тарбия» катта ўқитувчи (2), ассистент (1), лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Х.Асомов кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел: 34-66-58
Ректорат

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ

Янги йил муносабати билан «Арча байрами»ни ўтказиш даврида ёнгин хавфсизлиги чораларини таъминлаш бўйича

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА РАҲ-
БАРЛАРИ ВА ШАҲАР АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

ЎХРАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, Янги йил арча байрамини беҳавотир ўтказишни хоҳлайсизми, унда байрам тадбирларини ўтказиш даврида ёнгин келиб чиқилишининг олдини олиш ҳамда болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилот, муассаса ҳамда хонадонингизда куйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий равишда амал этган ҳолда ва куйидаги ёнгинга қарши чора-тадбирларни бажарилишини СЎРАЙМИЗ.

1. Корхона, ташкилот, маданият муассасаларида тадбир ўтказиладиган жойни белгилаш ҳамда арчани ўрнатишда амалга оширилиши лозим бўлган қоидалар:

- Тадбир ўтказиладиган хона бинонинг биринчи қаватида бўлиши керак.
- Тадбир ўтказиладиган хонанинг чиқиш эшиклари 2 тадан кам бўлмаган ҳамда ташқари томонга очиладиган бўлиши ва йўналишларни кўрсатувчи махсус белгилар билан таъминланиши керак.

- Янги йил арчаси хонанинг ўрта қисмига қулай ва мустаҳкам қилиб ўрнатилиши керак, унинг уч қисми ва барглари хонанинг шифти, девор ҳамда иситиш жиҳозларига тегиб турмаслиги керак.

- Арчани безатишда пахта-қоғоз ва шу каби тез аланга олувчи матолардан тайёрланган ўйинчоқлар ҳамда бертоллет тузларидан фойдаланмаслик лозим.

- Арчани фақат ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган ва сертификат белгиларига эга бўлган электр лампочкалар билан ёритиш мумкин. Бундай ҳолларда кучланиши фақат 24 вольт ёки гирлянд лампочкалари 12 вольтдан ошмаслиги керак.

- Тадбир ўтказиладиган хона 2 тадан кам бўлмаган бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши лозим.

- Тадбир ўтказиладиган хоналар узоқ муддатга назоратсиз қолдирилмаслиги ва шаҳар телефон тармоғи соз ҳолда бўлиши керак.

2. Тадбир ўтказиш даврида бажарилиши шарт бўлган ёнгинга қарши тадбирлар:

- Тадбир ўтказилиш даврида ёнгинга қарши қоидалар ва хавфсизлигини таъминлашга масъул ходимлар ва жавобгар шахс буйруқ орқали тайинланиши, масъул ходимлар бош электр кути қаерда жойлашганини ҳамда бирламчи ўт ўчириш

воситаларидан қандай фойдаланиш кераклигини билишлари лозим.

- Арча олдида шам, хлопושка, бенгал чироғи, мушакбозликлар ва бошқа ёнгин чиқишига олиб келувчи пиротехника воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

- Болаларни тез ёнувчи материаллардан тайёрланган кийимлар билан кийинтириш.

- Хонани қоронғилантириш учун деразаларга соябонлар ўрнатиш;

- Белгиланган меъёрдан кўп одамлар билан хоналарни тўлдиритиш.

- Байрам ўтказилаётган хонада болаларни ёнғиз қолдириш тақиқланади.

- Болаларнинг арча олдида 1 метрдан кам бўлмаган масофада бўлишини таъминлаш лозим.

- Тадбир ўтказилаётган бино ва хонада электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, бўёқлаш, очик оловдан фойдаланиш, шам ёқиш, сигарет чекиш ва шунга ўхшаш ёнгин ёки портлаш хавфи содир этилиши мумкин бўлган ишларни бажариш тақиқланади.

Тадбир тугагандан сўнг, барча электр жиҳозларини ўчириш, яна бир бор масъул ходимлар (хонадон эгалари) томонидан текшириб ўчирилганига ишонч ҳосил қилиш, безатилган арча ҳамда безакларни йиғиштириб, ушбу хонадан олиб чиқиб кетиш ва маҳаллий Ёнгин хавфсизлиги хизмати идорасига телефон орқали тадбир тугагани ҳақида маълумот бериш лозим.

Юқорида келтирилган ёнгинга қарши қоидаларга амал этган ҳолда Янги йил Арча байрамини беҳавотир ўтказиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИБГ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ СИЗЛАРГА БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ ВА ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙДИ.

ЎХРАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ БОЗОРЛАРИДАН
ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:

Биржа савдоларида:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудидан янги қуриладиган турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3x3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўкони қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 2000000 сўм;

- майдони 36 квадрат метр (6x6) бўлган қурилиш моллари дўкони қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 3 500000 сўм;

- майдони 1,5 квадрат метр (1x1,5) бўлган лак-бўёқ дўкони қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 2 000000 сўм;

- майдони 48 квадрат метр (6x8) бўлган ошхона қуриш ҳуқуқи,

бошланғич баҳоси — 5 000000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, «Avtomakon» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидан жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар,

ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинда

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz va info@tshmbm.uz



Азиз фарзандимиз

Ботиржон!

Сени таваллуд айёминг билан муборакбод этиб, мустаҳкам соелиқ, ишларингда улкан зафарлар, ота-онанг бахтига соғ бўлиб, фарзандларинг қамолтини кўриб қурашингни Оллоҳдан сўраймиз.

Оила аъзоларинг.



132-26-44 132-26-45

FM 107.2

Кўнгл учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт Информ».

Спорт

МАКТАБДА ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Куни кеча Акмал Икромов туманидаги Т.Жалолов номли 245-мактабда туман мактаблари бўйича спорт беллашувлари бўлиб ўтди.

«Кувноқ» спорт клуби деб номланган ушбу мусобақада тумандаги 116, 295, 245, 203, 133, 238, 137, 236-мактабларнинг ёш спортчилари ўзаро куч синашдилар. Туман халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев туман босқичи голибини аниқлаш учун ўтказилаётган беллашувга ҳакамлик қилди. Мусобақага ҳар томонлама тайёргарлик кўриб келган ўқувчилар фақат галабага, ўз мактабларининг голиблар сафидан ўрин олишига астойдил ҳаракат қилдилар. Ҳар бир мактаб ўқувчилари катта ҳаяжон билан мусобақа иштирокчиларига далда бўлдилар, уларни қўллаб-қувватлаб турдилар. Айни мусобақалар кизгин паллага кирган маҳалда биз 245-мактаб ўқувчиси, жамоа сардори Бобур Мирзаевни суҳбатга тортидик.

— Биз ушбу мусобақага жисмоний тарбия ўқитувчимиз Маъсуда Раҳматуллаева бошчилигида қаттиқ тайёргарлик кўрганмиз. Ниятимиз голиблик шохсупасини эгаллаш. Шунини айтиш керакки, мактабимизда ўқувчиларнинг

спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Дарсдан кейин футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шахмат, шашка тўғаракларида ўтказилаётган машғулотларда қатнашамиз. Бу борада мактабимиз раҳбари Фахриддин Мухиддиновнинг хизматлари катта. Улар ҳамisha «Умид ниҳоллари» каби қатор мусобақаларнинг яхши ўтказилишига ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Қизгин баҳс-мунозара, шиддатли беллашувлар ҳам ниҳояланиб, 8 та мактабнинг «Кувноқ» спорт клуби бўйича тўплаган баллар сарҳисоб қилинди. Энг яхши натижага эга бўлган 245-мактаб спортчилари голиблик бўлганлиги эълон қилинганда олқишлардан спорт зали лар-

зага келди.

Голиб жамоа туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиги, қимматбаҳо совға ва финал босқичига йўлланма ни қўлга киритди. Барча қатнашчиларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Ёшлар — бизнинг келажигимиз. Эртамиз давомчилари. Уларнинг соғлом ва тегиз бўлиб вояга етишлари бугунги меҳнатимизга боғлиқ. Бу борада ўқувчиларга таълим-тарбия бераётган, уларни мана шундай соғломлик мусобақаларига тайёрлаётган ўқитувчи-устозларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Ёшларга зиё ва тарбия беришдек машаққатли, айни вақтда жуда шарафли вазифаларида бу йўлда асло чарчамасликларини тилаб қоламиз.

Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТДА: «Кувноқ» спорт клуби мусобақасидан лавҳа.



ҚУВНОҚ ҚЎШИГИМИЗ СЕНГА АРМУҶОН

Улкан зафарларга бизларни чорлаб Янги йил кирмоқда салобат билан. Чехраимиз севинчдан нурдайн порлаб Пойига ёзамиз чўғдайин гилам.

Мархабо, Янги йил! Кўнглимиз каби Уйимиз дарчиси сенга ланг очик. Йўлингга муштоқдир ҳаммининг қалби, Кўлингга сув қуйиб, тутамиз сочиқ...

Нозу неъмат тўла тўкин, атоғлик Шохона дастурхон сенга мунтазир. Хоҳи шаҳарлигу хоҳи қишлоқлик Нимани буюрсанг қилади ҳозир!

Юрагимиз кўри, хонамиз тўри, Кувноқ қўшигимиз, янгроқ куйимиз Сенга бахшидадир, ўзинг кел кўриб — Нақадар файзга тўлар уйимиз!

Сен Олий Меҳмон-у аммо биз учун Изли-қутли бўлсин босган қадаминг. Ўзинг бошлаб кирган шодлик бўлсин чин Ширин ҳаёт билан ўтсин ҳар даминг!

Меҳр-мурувватга, Тинчликка йўллаб Ўтган йил кетмоқда файз, витор билан. Оллоҳим! Офатдан сақлагил қўллаб, Иймонла яшайлик номус-ор билан!

Абдуманноб ТОЖИЕВ

Халқорлик

МАЛАКА ВА ТАЖРИБА ОРТТИРИШДИ

«Истеъдод» жамғармаси учун 2003 йил самарали бўлди. Жамғарма грантини қўлга киритган ёш мутахассислар жаҳондаги қатор ривожланган мамлакатларда бўлиб, улардаги олий ўқув юртыларида ташкил этилган ўқув машғулотларида ўз билдим ва малакаларини оширдилар.

Жанубий Кореянинг Енсей, Сеул университетларида уюштирилган сабоқлар ҳам қутилган натижаларни берди. Малайзиянинг Мара университетиде ўтказилган ўқув машғулотлари ҳам бой тажрибаларни ўрганиш имконини берди.

Жамғарма йўлланмаси билан бу мамлакатга навбатдаги вакиллар учун ҳам грантлар ажратилди. Бу сафар 20 нафар вакилимиз Малайзиянинг қатор университетларида малака оширилди. «Янги технологик асослар» дастури бўйича уюштирилган сабоқлар давомида иктисод, маркетинг, молия ва кредит, педагогика, журналистика йўналишларида қизиқарли таълимий жараёнлар амалга оширилди.

12 кун давом этган Малайзия сафари ўзбекистонлик ёш ўқувчилар учун ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш имконини берди.

Бу бой тажрибаларни эндиликда республикамиз академик лицейларида амалиётга татбиқ қилиш тadbирлари кўрилди.

Аббос ОЛИМОВ

Ниҳол бошидан, бола ёшидан деганларидек, бола қанча ёшлигидан тарбия олинса, у шунча баркамол, одобли бўлиб етишади. Шу боисдан ёш авлодни мустақил давлатимизнинг етуқ фуқароси қилиб тарбиялаш мана шу диёрда яшаётган ҳар бир кишининг олий бурчи деб ўйлаймиз. Ёшлар тарбияси учун ота-она, мактаб, кўни-қўшни, маҳалла — ҳамма бирдай жавобгардир. Улуғ бобомиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир.

Олтин, кумуш этма касб давлат кунининг, Ким тортар одоб улуси меҳнат тўнининг. Гар йўқдир адаб, не сурт олтинининг, Элнинг одоби шушрок эрур олтунидин.

Инсон учун энг муҳими молу дунё эмас, балки унинг одоби, элнинг одоби олтиндан қимматлироқдир. Биз одоб-ахлоқ борасида етти климга донг таратган халқмиз. Камина ўттиздан ортик хорижий давлатларда бўлганман. Қаерда бўлмади халқимиз вакиллари динидан, миллатидан қатъи назар Берунийларнинг, Ибн Синоларнинг, Имом Бухорийларнинг ватандошлари деб қутиб олганликларининг гувоҳи бўлганман. Дарҳақиқат, биз дунё ахлига ибрат бўлиб келган алломаларнинг авлодларимиз, уларнинг ватандошларимиз. Инсоннинг улуғлиги бўйи баста, эгнидаги либоси билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг хулқий камоли ва ахлоқий баркамоллигидир. Давлатнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг порлоқ истиқболи, шубҳасиз, унинг юксак ахлоқий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ. Одоб-ахлоқнинг ҳам ҳаётга чуқур сингиб кетиши тарбия тўфайлидир.

«Одоб қалбни ёмон сўзлардан ва ноҳуя хулқдан сақлай олиши, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қила билиш, шу билан

Милоҳаза

ОДОБДАН ФАЛАК НУР ОЛАДИ

Ҳар бир фарзанд оила қувончи, бахти. Бола дунёга келгандан бошлаб, вояга етгунча таълим-тарбия таъсирида бўлади. Доно халқимиз бола тарбияси ҳаммининг иши, унга барча масъулиятли, деб қараб келган. «Бир болага етти қўшни ота-она», деб бежиз айтлмаган.

Бирга ўзининг ва ўзгаларнинг обрўсини туширмасликдир» деб таъкидлайди одоб илмининг пири устози, мавлоно Хусайн воиз Кошифий. Ул зот «Ахлоқи Мухсиний» китобларида ёзадилар: **Истоло, ҳақдин адаб тавфиқини, Беадаб тонмади анинг фазлини. Бас адабдин эрур нур тобти бу фалак.**

Ҳам адабдин пок бўлдилар малак. Фалак одоб тўфайли, маликалар одоблари билан пок бўлдилар, яъни одобдан фалак нур олди, шунинг учун жаҳондаги гўзаллар ҳам етишиб чиқди, деб одобни куёшга тенглаштирдилар. Одоб кишилар томонидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик ашигини беркитади ва одамни ҳазил-мазаҳдан, камситишдан сақлайди. Одоб-ахлоқ ҳақида гап кетганда бир ривоят ёдимизга тўшади.

Қадим замонларда Рум султони билан Миср ҳукмдори ўртасида нома орқали бир суҳбат бўлиб ўтган экан. Миср ҳукмдори ўз номасида «Биздан кейинги ному нишонимиз бўлган ўғонларимизга нимани мерос қолдирамыз,

деб кўп ўйлайдим ва ўғлимга атаб бисёр нафис матолар ва бешумор яхши отлар, тевалару ўзга мавошилар ва бурдалару қўшқу иморатлар, тегирмон ва мулклар заҳира қилдим» деб ёзади. Нома Рум султониға етиб боради. У бу гапдан қулади. Унга жавобан шундай деб хат битади: «Мол бевафо ёр ва бебаҳо дилдор эрур. Анинг ҳисобин қилмоқ керак ва бу дунё ва фоний матоларға фирифта бўлғулик эрмас, мен адаб хулласи бирла ораста қилдим ва яхши сифат ва одобларини анинг учун заҳира қўйдим, молга завол етар, аммо адаб тағйир ва табдия тобмас». Бу рост сўз айтибдур, одобнинг баҳоси йўқ», — деб юборган экан Миср ҳукмдори.

Одамзоднинг биринчи тарбиячилари оналаридир. Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз, деган экан алломалардан бири.

Мактаблар қўлпигига қарамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайдик. Битта ота юзта ўқитувчидан устундир. Ўз фарзандларини одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашга даъват этилган ота-оналарнинг ўзлари тарбия кўрган, билимли, талабчан, ибратли инсонлар бўлишлари лозим. Бугунги ота-оналар фарзандларига таълим-тарбия бера туриб, Ватанимизнинг истиқбол тарихини тарбиялайдилар.

Ҳурматли Юртбошимиз халқимизнинг юксак эзгу-ниятларини ифодалаб айтдиларки: «Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иктисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етуқ фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши керак».

Келажақда яхши ҳосил олиш, роҳат кўришни орзу қилсак, ёш қалбларга одоб-ахлоқ уруғларини сочайлик, уни ундириб, авайлаб парвариш қилайлик. Токи биздан соғлом ва баркамол авлод қолсин.

Мирза Анвар КАРИМОВ



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўроғи биринчи А-3 3557 ҳиссада босилди.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қавати билан уйғатла олган

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға еки «Тошкент почтамти»га — 133-7405 телефонига мувожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.